

ЖАЛДК СУЗИ

Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

21 ОКТАБРЬ, ЧОРШАНБА. № 205 (456). 1992 йил

Сотувда эркин нархда

2.000.000 ТОННА ТАЙЁР!

● БЕМАВРИД ЁГИНГАРЧИЛИК ТУФАЙЛИ АНА ШУ ҲОСИЛНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ҚЎЛ КУЧИ БИЛАН ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИНДИ

● МАНА ЯНА ОБ-ҲАВО ЮРИШИБ КЕТДИ, ЭНДИ МАВЖУД МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРНИ, БАРЧА КУЧИМКОНИЯТЛАРНИ ЙИГИМ-ТЕРИМГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК

● НОННИНГ УШОҒИ ҲАМ НОН БЎЛГАНИДЕК, ПАХТАНИНГ ТОЛАСИ ҲАМ ПАХТА, ШУ БОИС УНИНГ МИС-ҚОЛИГАЧА ТЕЗРОҚ САРАНЖОМЛАБ ОЛАЙЛИК



ЎЗБЕКИСТОН Ватанчим манчим

«ХАЛҚ СУЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА МАОРИФИМИЗ МУАММОЛАРИ

● 20 октябрь кунини Ўзбекистон Халқ демократик партияси, марказий кенгашида муаллимлар, республика халқ маорифи ходимлари билан ушбу партия раҳбариятининг учрашуви бўлиб ўтди.
Учрашувда Ўзбекистон Президенти Н. А. Каримов ҳамда республика ҳукуматининг мамлакатда халқ таълимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида ўтказилган ишлар ҳақида, амалий ишлар ҳақида, шунингдек, мустиқиллик шароитида халқ маорифи олдига турган долзарб муаммолар, уни йиллийлаштириш ва янада равиққа топтириш истиқболлари, бунда ХДПнинг ўрни тўғрисида гап борди.

ҚАРШИДА ЧОЙ ҚАДОҚЛанаДИ

ҚАРШИ. Чой қадоқлаш фабрикаси қуриладиган бўлди.
БУ борада Ҳиндистоннинг «Эфирис Групп» фирмаси мутахассислари ҳамкорлик қилишмоқчи. Яқинда ҳорижий ишбилармонлар Қаршига келиб, шарт-шароит билан танишдилар. Корхонани келаси йилининг ўрталарида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Шунда йил охиригача уч минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўларкан.

КУЛЛАР ЧИННИ ЯСАШАДИ

РИШТОН. Бадний кулолчилик буюмлари заводи яқин орада чинни буюмлари чиқармоқчи.
ШУ пайтгача кулоллар ишлаб чиқаришдан олинмаган даромадининг бир қисmini чинни шеҳи куриш учун сарфлайдилар. Унда 110 нафар ишчи йилга 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайди. Ҳом айни украинлик чиннисозлар етказиб беришди. Яқинда корхона мусавирларидан беш киши Москвадаги чинни заводини малака оширгани жўнаб кетишди.

БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ЁРДАМ БЕРДИ

ТОШКЕНТ. Республика гематология ва онкология илмий тадқиқот институтида тиббий тақрирдан ўтказилмаган 18 ёлга яқин ташқиқ қўшиқча Ўзбекистон болалар жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ёрдам берди.
САНКТ-Петербургдаги илмий-тадқиқот институтида қўшиқча текшириш ўтказиш зарур бўлиб қолганда, ҳарajatларнинг кўп қисmini шу ташқиқлот қўтарди. Ёш авлодининг сиҳат-саломатлиги муаммоси болалар жамғармасининг тадқиқот марказида. Йил бошидан бери мақсуд жамоат ташқиқлот алоҳида, жиғдий олавланишга муҳтож бўлган ўғил ва қизларнинг гудакни сайёрамизнинг энг яқин шифохоналарига юборди.

ҲАР БИРИГА МИНГ СЎМДАН

ТУРАҚУРҒОН. Туманда болалар байрами бўлиб ўтди.
БАЙРАМНИ туман ҳокимияти кўп болали 47 оила учун уюштирди. Деҳқонлар ва умумий оилалиқнинг ҳодимлари кичикинтойларни зиёфат қилишга дастурхон ёздилар. Байрам қилишга кўп болали оилаларнинг барча фарзандларига 1000 сўмдан пул ўтказилган жамғарма дафтаридаги топшириқди.

ҲАММАСИ ЭКСПОРТГА

ШОВОТ. Пахта заводида уч сменали иш ташқиқ этилади.
ЭНДИ кунга 200 тоннагача ҳом ашё қайта ишланади. Маҳсулотнинг сифатига эътибор берилмоқда. Чунки ағартиб олинган толалик ҳаммаси чет мамлакатларга сўтилади. Ишлаб чиқариш гуруҳларининг маоши эса қоридан олинган эътирозномаларнинг сонига боғлиқ. Ҳозирча болалининг таққим эмас. Ҳар тонна пахтадан белинган тола топириқдан таққим саккиз килограммгача тола олинмоқда. Энди бу рақамни ўттиз мингга кўпайтирсангиз, Шовот пахтачиларининг янги мавсумда қанча қўшиқча тола олишлари маълум бўлади.

ЭСКИ БАЙРОҚДАН ЯНГИ КИЙИМ

Навоий шаҳар ноғиронлар жамоати керак-сиз байроқлардан кийим-кечак тикишга киришди.
СОВИҚ СССРнинг қардош жумҳуриятларидан ёдгор бўлиб қолган байроқлар Навоийда ҳам анчагача бор экан. Битта костюм учун иккита байроқ кийим қиларкан. Аммо афсуски, эски байроқдан тикилган янги кийимлар бозори чаққон бўла бошлаганда «ёдгор» мато етишмай қолди.
Ҳозир навоийлик модпараастлар қизил байроқ излаб юришмоқчи. Чунки, ҳозир кунининг энг афур модаси шу бўлса керак-да.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

БИРИНЧИ БЎЛИБ

Қорақалпоғистонда давлатга пахта топириқ бўйича йиллик режани баъришга биринчи бўлиб Амударё районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Оллаёр Аҳмедов етакчилиги қилмаган 18-бригада аъзолари эришдилар. Ҳосилнинг барчаси биринчи навларга топириқди. Улар жами давлатга 90 тонна «оқ олтин» териб топириқдилар. Бригадининг муваффақиятига Жумагул Мавлешова, Қўшқарул Нумонова, Сайёра Камолова, Қўшқарул Мавлешов ва Рустам Оташев сингари илгор пахтакорлар яқин ҳисса қўшдилар. Бригада пахтакорларининг галабасига бағишланган тантанали йилгилишда район ҳокими Баҳром Жуманнэзов қатнашиб, қизғин қутлади ва илгорларга пул муқофоти топириқди.

ПАХТА-ВАТАНГА!

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 20 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

[Режага нисбатан фойз ҳисобида]

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бунга; тўртинчи устун — шу жумладан, бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан бунга.	Биринчи устун	Иккинчи устун	Учинчи устун	Тўртинчи устун	Бешинчи устун
Фарғона	1,69	65,15	0,98	35,07	—
Андижон	2,14	63,12	1,37	41,61	—
Бухоро	2,47	61,91	1,05	23,18	—
Наманган	2,50	54,59	1,91	37,77	—
Сурхондарё	1,89	51,82	1,80	42,58	—
Хоразм	2,18	50,38	1,60	10,27	—
Қашқадарё	3,10	49,64	3,37	44,95	—
Қорақалпоғистон	2,61	41,17	2,72	26,86	—
Навоий	2,52	33,77	2,15	14,64	—
Тошкент	3,68	31,92	3,67	24,38	—
Сирдарё	3,23	20,30	3,39	17,60	—
Самарқанд	2,15	20,28	1,60	9,83	—
Жиззах	2,58	16,23	3,01	16,71	—
Республика бўйича	2,52	44,60	2,41	27,79	—

ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА	Биринчи устун	Иккинчи устун	Учинчи устун	Тўртинчи устун	Бешинчи устун
Сурхондарё	2,03	46,86	—	—	—
Наманган	1,62	40,95	—	—	—
Қашқадарё	2,16	23,11	—	—	—
Навоий	0,94	13,55	—	—	—
Бухоро	—	—	—	—	—
Андижон	—	—	—	—	—
Республика бўйича	2,00	40,44	—	—	—

лар, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларининг пахтакорлари суръатни бўшатиримай, республика пахта тайёрлаш жадалида пешқадамлик қилмоқдалар.
Октябрь ойи иккинчи ўн кунлигининг охиригача етти та колхоз, 22 та совхоз, салкам мингта бригада меҳнатчилари йиллик топириқни баъриб бўлидилар, уларнинг кўплари режадан таққир ҳисобига ҳар кун 2—3 фойз пахта топириқиб, ўзлари учун иқтисодий фаровонликни таъминламоқдалар. Улар орасида Косон туманидаги Алишер Навоий номи ва Абдулла Навоиев номи, Ғузур туманидаги Улуғбек номи, Муборак туманидаги «Хитой», Шахрихон районидаги У. Юсупов номи совхозлар, шунингдек Шофиркон, Олот, Бўз, Олтинкўл туманларининг хўжаликлар бор. Республиканинг салкам ўн та тумани эрта-инди белгиланган маррага етиб боради.
Аммо ҳали олданда жуда катта ҳиниччиликлар турибди. Ҳисоб-киتابларга қараганда бу ҳиниччиликларни жоъларда уюшқоқлик, рағбатлантириш омилларидан амалий фойдаланиб бартараф этса бўлади.
Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармасининг бошлиғи

НАВБАТДАГИ МАРРА ЭГАЛЛАНДИ!

Республика хирмонларига икки миллион тонна «оқ олтин» уюлди.
Бу йилги ҳосилга осонликча эришилганга йўқ! Бениқош машаққатли дамлар бошланди. Қўқлама ва ёзда бой берилган вақтнинг ўрнини кузда қоплаб оларини, деб ўйлаганди. Аммо куз ҳам изғирин ва ёғирли кесди. Ғузлар керагидан 200—250 даража кам нисқикли олдди, шу бондан уларнинг ривож 18—20 кун кечикди. Бунинг устига кетма-кет ёғингарчиликлар машина ишлатишга йўл бермапти.
Терим бошланганга салкам бир ой бўлсада, шай қилиб қўйилган 30 минг агрегатнинг яримдан кўпроги ҳали пахтазорга киргани йўқ. «Бункер» пахтачини тайёрлаш орқанда қоплаб олинган сабаби ҳам шу. Холбуки, ҳосилнинг 60 фойзини машинада териб олишни режалаштирганди.
Бултурги мавсумда пахтакорлар тўртинчи октябргача икки миллион тонна ҳосил тайёрлаган эдилар. Қанча орқанда қоплаганини ўзингиз ҳисоблайверинг. Меҳнат ҳам кўпроқ сарфланмоқда: бултурги иккинчи миллион тонна бир ҳафтада териб олинган бўлса, бу йилгисини теришга 12 кун кетди. Ҳосилнинг асосий қисmini теримчилар ёрдамида тайёрлади, ҳозир пахтазорда бир миллиондан

ҲУКУМАТ ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН БЕВОСИТА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича вазирлар маҳкамаси комиссиясининг раиси А. Муталовнинг мухбиримизнинг саволларига жавоблари

Мухбир — Абдулхашим Муталов, бугун тарихий кун, ўзбек халқининг асрлар мобайнидаги орузи рўзга чиққан кун. 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида ўзбек тилига давлат мақоми берилди.
Мақсуд сессияда ушбу қонунни қабул қилишнинг ўзи бўлган йўқ. Айрим гуруҳлар томонидан таъйик ҳам бўлди. Шундай бўлсада, баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаган ҳолда, мустиқилликнинг бой-кечаги бўлиши ушбу қонун қабул қилинди. Мана шу ўтган давр мобайнида сиз рақамлик қилаётган давлат комиссияси томонидан жуда кўп ишлар амалга оширилди. Сўбатимиз аввалида шу ҳақда сўз юритсангиз.
А. МУТАЛОВ. — Ҳақиқатан ҳам уша 1989 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида» қонун қабул қилиниши катта воқеа бўлган эди. Чунки бу қонун мустиқилликнинг илк нишониси эди. Тоталитаризм тузуми шароитида бундай қонунни қабул қилиш катта жасорат, фидойиликни талаб этарди.
Қонун ижроси Вазирлар маҳкамасига топириқилган. Шунинг билан бу йилда давлат дастури ишлаб чиқилди. Дастур 1990 йил 19 февралда Вазирлар маҳкамаси қарори билан тасдиқланди. Давлат дастурида Республикага вазирликлар, комитетлар, идоралари, вилоятлари, қорхоналари, районлари, олданда турган вазирлар ўз инфодасини топан бўлиб, давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш тадбирлари мажмуасидир. Уша қарорга биноан вазирлар маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси ҳам тасдиқланди.
Мен Вазирлар маҳкамаси

комиссиясининг кейинги йилдаги иш ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман. Энг аввало, комиссиянинг иш тартиби ўзгарди. Унда турли масалалар билан шуғулланувчи кичик гуруҳлар тузилди. Комиссия муҳокамасига қўйилган масалалар олдидан уша кичик гуруҳларда муҳокама этилади, кейин комиссия муҳокамасига тақдим этилади.
1992 йилдаги комиссия мажлисларида Алоқа ва Адлия вазирликларидан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаканкомпаниясида, Фарғона шаҳри ва Қўша районида, Ўзбекистон матбуот жамоатлари уюшмаси — Ўзбекбирлашувда давлат тили ҳақидаги қонуннинг баърилиши кўриб чиқилди.
Муҳокамада маълум бўлдики, жоъларда давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш соҳасида яқин ишлар қилинмоқда. Бирок халқ анчагина муаммолар борлиги ҳам аниқланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаканкомпаниясидаги бу соҳадаги камчиликлар айниқса қаттиқ таққид қилинган эди. Мақсуд идора раҳбарлари таққиддан тўғри хулоса чиқариб ҳозир аҳолини ўйламоқдалар.

Давлат тили ҳақидаги қонунни даврга таққид этиш бўйича амалга оширилмаган ишларимизнинг айрим соҳаларида сустиқиллик, аниқроғи, бефохаликка йўл қўйилмагани ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Хусусан, давлат тилини билмайдиган республика фуқароларини ўз хизмат ваъзаларининг баъриши учун зарур даражада ўзбек тилига ўргатишда жоъларда нақисларни дастури туфайли сезиларли самарга эришиш қийин бўлгачи. Бу масала комиссиянинг навабдаги мажлисида атофлича таҳлиль этилиши режалаштирилган.
Комиссиянинг бир мажлисида қонуннинг умуман республикамизда баърилиши аҳоли муҳокама этилди. Унда барча вилоятлардан вакиллари — тил комиссиялари раҳбарлари иштирок этдилар.
Вазирликлар маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича комиссияси аъзолари вилоятларга бириктирилганлар. Улар вақти-вақти билан жоъларда бўлиб, тил ҳақидаги қонуннинг баърилиши билан бевоСИТА танишиб, комиссияга масала киритдилар.
[Давоми 3-бетда].

ТИЛГА ЭЪТИБОР— ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ҳокама этилди. Уюшма раиси Г. Волков шу ҳақда ахборот берди.
Мажлисида уюшма тизимиданги таққидларда бу борада биринчи ишлар қилингани таққидланди. Масалан, бошқарува идорасидаги йилги иш ва кенгашлар асосан давлат тилида ўтказилмоқда. Иш юритиши тўла давлат тилига ўтказишга тайёрлик кўрилмоқда. Русча сўзлашувчи ходимларга давлат тилини ўргатиш олти ойлик курслари

[93А]

Шароф РАШИДОВ таваллудинин 75 йиллиги олдидан

УКТАМ ОРИПОВ, Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги

ШАРОФ АКА МАКТАБИМИЗДА АДАБИЁТДАН ДАРС БЕРАРДИ

Шароф Рашидовнинг ҳаёт йўли, сийсий фаолияти, бадний ижоди ҳақида газета, журналларда жуда кўп мақолалар чiqаяшти. Лекин у кишининг ўқитувчи бўлиб ишлаган даври ҳақида ҳеч ким ёзмайти, чамамда.

Мен Жиззахдаги Ленин номи ўрта мактабда ўқиганман. 3-4 синф ўқувчиси давридан Шароф Рашидовни биланман. Уша пайтларда у техникумда ўқир ва ҳар кун номозом пайтлари ҳўки аравада ёмиш ташиб мактабимиз олдидан ўтар эди. Шунда биз болалар: «Ана у йигит шўр ёзар экан», деб ўзаро сўхбатлашиб қолардик.

1941 йилда Самарқанд давлат дорилфунунини битирган талабалар ректор бошчилигида ёппасига ариза бериб фронтга жунашган. Улар сарфида Шароф Рашидов ҳам бўлган.

Бир кун Шароф Рашидовнинг: «Шўрларини кўчириб бергин», деб мендан илтимос қилди. Чўки меннинг ёзувим чиройли эди-да. Шўрлари жуда кўп экан. Қора сибъ билан равон қилди, ҳаммасини кўчириб бергандим.

1942 йилда Шароф Рашидовнинг фронтдан оғир ярадор бўлиб қайтиб келиши ва бизнинг мактабда директор бўлиб ишлаш бошлди. Ушанда мактабимизга Россиядан қандайдир бир ҳарбий учувчилар билан юрти кўчиб келиб ўрнашган эди. Биз юқори синфларда 13-14 бола қолган эдик. Катта ёшдаги болалар фронтга кетишган ёки айримлари тиричилик важдан мактабга қатнамай қўйишганди. Ҳарбийлар мактабимизни эгаллаб олгандан кейин биз ҳар кимиларнинг уйда машгулот ўтказиб юрдик.

1943 йилда Самарқанд давлат тиббий институтига ўқишга кирди. Ушунинг учун биз юқори синфларда бўлиб қолган болаларнинг ҳўки аравада ёмиш ташиб мактабимиз олдидан ўтар эди. Шунда биз болалар: «Ана у йигит шўр ёзар экан», деб ўзаро сўхбатлашиб қолардик.

Ш. Рашидов келиб ҳарбийлардан мактабимизнинг ярмини олишга эришди. Биз — суғи қотган ўсимларни мактабдаги базис ҳўжалик ишларига ишга жойлаштирди. Бу ҳам оливай тиричилигимизга ҳарна ёрдам эди-да. У киши мактабга раҳбарлик қилиш билан бирга бизга адабиётдан дарс берарди. Ҳўки ўқитувчилар камлигидан ўзга фанларни ҳам ўқитишга ҳаракат қилди. Болаларнинг бекор қоллини сўра истамасдик. Хўрсанд Фофуровна эса бизнинг тарих ўқитувчимиз эди. Уша пайтда улар оила қуришмаган эди.

1943 йилда Самарқанд давлат тиббий институтига ўқишга кирди. Ушунинг учун биз юқори синфларда бўлиб қолган болаларнинг ҳўки аравада ёмиш ташиб мактабимиз олдидан ўтар эди. Шунда биз болалар: «Ана у йигит шўр ёзар экан», деб ўзаро сўхбатлашиб қолардик.

Ш. Рашидов келиб ҳарбийлардан мактабимизнинг ярмини олишга эришди. Биз — суғи қотган ўсимларни мактабдаги базис ҳўжалик ишларига ишга жойлаштирди. Бу ҳам оливай тиричилигимизга ҳарна ёрдам эди-да. У киши мактабга раҳбарлик қилиш билан бирга бизга адабиётдан дарс берарди. Ҳўки ўқитувчилар камлигидан ўзга фанларни ҳам ўқитишга ҳаракат қилди. Болаларнинг бекор қоллини сўра истамасдик. Хўрсанд Фофуровна эса бизнинг тарих ўқитувчимиз эди. Уша пайтда улар оила қуришмаган эди.

1943 йилда Самарқанд давлат тиббий институтига ўқишга кирди. Ушунинг учун биз юқори синфларда бўлиб қолган болаларнинг ҳўки аравада ёмиш ташиб мактабимиз олдидан ўтар эди. Шунда биз болалар: «Ана у йигит шўр ёзар экан», деб ўзаро сўхбатлашиб қолардик.

Спорт

КИМ ЧЕМПИОН БУЛАДИ?

ЎЗБЕКИСТОН ИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ИВБАДАТИ ТУРИ ҲАМ МУРОСАНА, КЕСКИН ҚУРАШЛАРГА БОЙ ҲУДА. Биринчиликда карвобошилик қилувчиси «Пхаткор» жамоаси сафарда «Шахрихончи» мағлубиятга учратди... 2:1. Тошкентликлар билан исма-из келавтган «Нефтич» (Фаргона) жамоаси эса ўз майдонда «Пхаткор» — 7:9 армия спорт клубини 4:0 ҳисобда енди. Шуниси диққатга сазовор, тўрт тўпни ҳам Равшан Бозоров дарвозага киритди. Унгача Равшан каби юқори кўраткичга фақатгина икки футболчи — «Наврўз» жамоасининг ҳужумчиси Фўркат Эсонбоев бир учрашувнинг ўнда рақиблар дарвозасига беш марта тўп киритиб, «Пхаткор»ни Шўррат Мақсудов «Пхаткор» — 7:9 жамоаси дарвозабонини ўз дарвозасидан тўрт марта тўп олиб чиқишга мажбур этиб эришганди.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

МАКТАБДА ҲЎҚИБ ЮРГАННИЗДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ҲЎҚИТУВИМИЗ

«Ўзбекистон замини битмас-туганмас бойлиқларга кон, олтин ҳам, қумуш ҳам нефть ҳам, газ ҳам, ҳамма-ҳаммаси бор» дерди. Лекин, ўзимиз яшаб турган ернинг остида беҳисоб тилла борлиги етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Илгарилари бу ерни Чормитан дейишарди. Кон топилиб ишга тушуга Зармитан дейишган бўлишди. Ҳўзи бу ерда Зармитан геология-қидирув экспедицияси ва Зармитан олтин кони мажбури. Мен бу гал кўпроқ кейинги корхона ҳақини кўтгаламоқчиман. Ҳўзини, кўнглина ҳамқишлоқларим қадори коннинг туз-насиб-насиб камина ҳам баҳраманд бўлган, ози-қўпни ўз меҳнат билан унинг ривожига ҳисса қўшганман. Зармитан — «Ўзбек олтин» ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидagi йиллик ва келажак порлоқ конлардан бири. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг ҳаммаси маҳаллий иллат вакиллари. Бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина корхоналар сингаётган ва индустрия учраётган. Ҳўзи ишчиларини маош билан таъминлаётган штатларни қисқартираётган бир пайтда зармитанлик кончилар ойнага ўрта ҳисобда 14 — 15 мингдан маош олишарди. Иш бор жойда, албатта муаммо ҳам, ташвиш ҳам бўлади. Масалан, бир пайтлар маъданин қайта ишлаш олигин бойитиш фабрикаси «Изиҳал виллоя» ҳудудида қуриларди. Мана салкам йилгирма йилларни Зармитандан қазиб олган маъдан юк машиналарида кир-адирлар оша 83 километрик масофага ташилди. Қишин-ёзи шу аҳвол. Ҳў битта автокорхонага қарашли машиналар бир йилда юзлаб тонна маъданин Марконибўлжқа етказиб бериши керак. Ҳўдовчиларнинг ёзда иссиқдан, қишда совуқдан ва йўлнинг сирпанчилигидан нолиши, қоларча транспорт ҳаражатлари албатта кон иқтисодиғига ўз таъсирини қўрсатмай қолмайпти. Кейинги пайт-

ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАХБАРЛАРИ ДИККАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Бош бошқармаси ҳузуридаги «БЭК» Ахборот - консалтинг маркази 1993 йилда тадбиркорлик фаолияти, бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш масалалари бўйича қонуний хужжатлар, қўлланмалар ва курсатмалар билан таъминлашга

ОБУНА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Сизлар, шунингдек юқоридаги масалалар бўйича ўз хатларингизга ёзма равишда жавоб ҳам оласиз. Сизлар фақат 1993 йилда қабул қилинадиган қонуний хужжатлар ва курсатмалар билангина эмас, балки бундан аввал қабул қилинган ва 1993 йил 1 январь ҳолатига ўз кучини йўқотмаган барча хужжатлар ҳамда уларга тегишли изоҳлар ва тушунтиришлар билан ҳам таъминланасиз.

ОБУНА БАҲОСИ - 6 МИНГ СЎМ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ - 195, АБАЙ КЎЧАСИ, 4. ҲИСОБ - КИТОБ СЎЎТИМИЗ: 000345495, КОП 700161803. ЎЗТОРГБАНК ДАВЛАТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲИСОБ - КИТОБ МАРКАЗИ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН 172682116, БОШҚАЛАР УЧУН 172682703.

Пул ўтказилгандан кейин ўз манзилгоҳингизни хабар қилинг.

Қонунларни билмаслик оқибатида юз минглаб сўм пуллари йўқотмаслик мақсадида 6 минг сўм пулни ўтказишга шўшилинг!

ТОХИР ДОЛИ ҲЎЛ ҚИЛДИ.

Уша мактаб-интернат биноларида тез орада биз 3,5 минг бемор ўрини тиклашга эришгандик. Шу билан шаҳар солиқини сақлаш фаолияти анча ёнгиллаш бошлди... 1971 йили Тошкент давлат медицина институтини учун 200 ўринли янги клиник марказ, медицина ходимларига ўй-қўна, 5200 студент учун ўқоҳона 182 гектарлик майдонга қад кетара бошлди. Ҳўзирги медицина шаҳарчаси Шароф Рашидовнинг ташаббуси ва назорати остида қурилади.

Ҳўллас, у менингу муаллимим эди. Ҳа, иллада, ҳаётда фарқланса, арзийдиган устоз эди.

ТОХИР ДОЛИ ҲЎЛ ҚИЛДИ.



«ЎЗБЕК-СУРИЯ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

«Ўзбек-Сурия» қўшма корхонаси шуни маълум қиладики, у 1992 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатга олинди ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, ўзбек ва хоржий ҳуқуқий шахслар иштирок этган қўшма корхоналар реестрига 470-сон билан ёзиб қўйилди. Қўшма корхонанингу манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ райони, Арганчик қишлоғи, «Гулистон» жамоа ҳўжалиги.

«СЭНДВИЧ»НИ ТАНЛАНГ, ЮТАСИЗ

Сиз иситиладиган цех, оғбор, гараж, устакона ёки шўнга ўхшаш бошқа нарса қўрмоқчимисиз? У ҳўлда «СЭНДВИЧ» туридаги панелларни танласангиз хато қилмайсиз. Бу янги қурилиш материал — 6x1,1 метр ҳажмдаги икки томони пўлат билан қопланган минерал момиқ, У зангламайди ва ёнгиндан ҳавфсиздир. Қурилиш устуларига осонлик билан ўрна-тилади. «СЭНДВИЧ» туридаги панелларни ишлатсангиз нафақат вақтдан, балки қурилишга кетадиган ҳаражатлардан ҳам тежаб қоласиз. Бундай панеллардан қурилган уйлари замонавий кўрinishи ва қўлайлиги билан ажралиб туради. Манзилмиз: 700015, Тошкент шаҳри, Полтарацкий кўчаси, 73 «б». Телефонлар: 54-92-50, 54-88-48.

Advertisement for Mirzakarimov featuring M. Ashrafyev and N. Nazarov. Text: «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси жамоаси Янқабор район саноат комбинати директори Неъмат НАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардик изҳор этади. М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси жамоаси ўзбек халқ чолгулари кафедрасининг профессори, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист М. Тўррова онаси Хадича МИРЗАКАРИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи Народное слово. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808. Буурига, Г.—197.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОВЕВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кеңаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси. ТАХРИР ҲАЯЪАТИ: Карим БАҲРИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лева ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қўлаҳмад РИЗОВ, Эрин САМАНҚОВ, Азиз СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛУГОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Ранил ФАРҲОДИН, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхўрр ГУЛОМОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП. Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Тахририятга ҳажми 7 қўғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.